Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 14 (5605).
17 ЯНВАРЬ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг «Россиядаги 1905-1907 йиллар революциясининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарорини бажаришга оид тадбирларни маъқуллади. Сиёсий ва иқтисодий маориф системасида, пропаганданинг оммавий формаларида биринчи рус революциясининг тарихини чуқур ўрганишни ташкил этиш, меҳнат коллективларида, ёшлар ўртасида ва аҳоли истиқомат жойларида оммавий агитация ишини авж олдириш кўзда тутилмоқда. Тадбирларни ўтказишга илмий муассасалар ва ўқув юртларини, ижодий союзларни, маданият-маърифат муассасаларини, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларини кенг жалб этиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг «Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Сурхондарё область партия ташкилотларининг фаолияти кўриб чиқилди. Марказий Комитет Бюроси Сурхондарё область партия комитети бюросининг эътиборини пленум қарорларини бажаришда область партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги жиддий камчилик ва нуқсонларга қаратди, область партия ташкилотининг, айниқса, шаҳар ва район бўғинларининг, бошланғич ташкилотларнинг жанговарлик қобилиятини кучайтириш юзасидан қўшимча, самарали чоралар кўришни топширди.

Область партия комитетларига иқтисодий ва социал ривожланишга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга раҳбарлик савиясини доимо ошириш таклиф қилинди. Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1984 йил 15 ноябрдаги мажлисида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар бу ишга асос қилиб олиниши керак.

Марказий Комитет Бюроси область партия комитетлари зиммасига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорини бажариш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий фаолият янада кучайтирилишини таъминлаш, пленум якунларини муҳокама қилиш чоғида ва партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар қандай амалга оширилаётганлиги устидан контролликни кучайтириш вазифасини юклади. Кадрларнинг сифат составини ва резервини яхшилаш, раҳбар ходимларни ленинча иш услуби, камчиликларга муросасизлик руҳида тарбиялаш юзасидан қўшимча тадбирлар амалга оширилиши лозим. Ўн биринчи беш йиллик планининг барча миқдор ва сифат кўрсаткичларини сўзсиз бажариш, КПСС XXVII съездини ва Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш — республика партия, совет, хўжалик органларининг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1985 йилда республикада ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий кенгашлар, конференциялар, съездлар, симпозиумлар ва семинарларнинг Ўзбекистон ССР Госплани тақдим этган планини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида республикани социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга партиявий раҳбарликнинг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

### БИРЛИК БЕЛГИСИ ОСТИДА

Республикада давом этаётган округ сайловолди кенгашларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар қўллаб-қувватланди: Тошкентдаги 4-қурилиш трестининг бригадири **Сергей Григорьевич Зинчук**, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректори **Саъди Ҳасанович Сирожиддинов**, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг ҳайдовчиси **Татьяна Фёдоровна Марченко**, В. И. Ленин номли Тошкент электрон-техника заводининг йиғувчиси **Татьяна Николаевна Кочкова**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Кузьма Иванович Лапкин**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимининг мудири **Вячеслав Гаврилович Кретов**, Тошкент чинни заводининг ишчиси **Гўзал Сулаймоновна Эргашева**, Ўзбекистон ССР савдо министри **Мадаминжон Ҳасанович Ҳасанов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар мудири **Зелимхон Ҳайдаров**, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудири **Тўлқин Ҳамидович Собитов**, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси **Пўлат Қаюмов**, Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг бошлиғи **Борис Тихонович Турик**, Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи **Николай Андреевич Белогуров**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг раиси **Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов**.

### ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Сайловолди йиғилишларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси **Фелюра Аҳмадовна Полтаева** 10-Шодлик сайлов округидан, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр слесари **Анатолий Александрович Легачев** 11-Комсомол сайлов округидан, Тошкент бош кийимлар фабрикасининг тикувчи-мотористи **Ҳабиба Каримовна Баратбоева** 37-Чуқурсой сайлов округидан, Тошкент «Отделстрой» тресты бўёқчилар бригадири **Петр Иванович Савчук** 42-Таштекстильмаш сайлов округидан, Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари **Санобар Аҳроловна Хўжаева** 43-Дзержинский сайлов округидан, штаб бошлиғи, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари **Юрий Александрович Гусев** 53-Гвардейский сайлов округидан Ўзбекистон давлат ҳокимияти олий органига депутатликка номзодлар қилиб кўрсатилдилар.

(ЎзТАГ).

## Ўртоқ Борис Николаевич ПОНОМАРЕВга

Борис Николаевич, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети, Сизни саксон ёшга тўлган кунингизда қизғин табриклайдилар.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва совет халқининг бахт-саодати йўлида, мамлакатимизда коммунизм тантанаси йўлида янада муваффақиятли ишлашингизни тилаймиз.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** — **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**



### СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

## Ўртоқ Б. Н. ПОНОМАРЕВни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Борис Николаевич **Пономарев Ленин** ордени билан мукофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1985 йил 16 январь.

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ БИЛАН ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА ЎЗБЕКИСТОН ССР ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИ ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИГА БИРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Иттифоқ-республика Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан Иттифоқ-республика Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигини Иттифоқ-республика Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига бирлаштирилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри,
1985 йил 16 январь.

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ЎРТОҚ А. И. ИКРОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Акмал Икромович **Икромов** Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри қилиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри,
1985 йил 16 январь.

# Радосна средба на узбекската земја

### Скопле шаҳри делегацияси Тошкентда



Кеча «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчилари Скопледан келган делегацияни самимий кутиб олдилар. Меҳмонлар корхонанинг цехларини, тайёр маҳсулотларини кўздан кечирдилар.
Т. Каримов фотоси.

## ДЎСТОНА СУҲБАТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев республикада меҳмон бўлиб турган Македония Коммунистлар Союзи Скопле шаҳар комитетининг Раиси Петар Караянов бошчилигидаги шу шаҳар комитетининг делегациясини 16 январь куни қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида меҳмонлар партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни амалга оширишга республика меҳнаткашларини сафарбар этиш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилоти олиб бораётган ишлар билан таништирилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик туфайли меҳнат коллективларида меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик жўш урганлиги уқтириб ўтилди. Ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлилари ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш, шу йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш вазифаларини ҳал қилишга ўз куч-ғайратларини сарфлаб, КПСС XXVII съездини янгидан янги ютуқлар билан кутиб олишга ҳозирлик кўраётганликлари таъкидланди.

И. Б. Усмонхўжаев биродарлашган шаҳарлар — Скопле билан Тошкент ўртасидаги дўстона алоқалар бундан буён ҳам мустаҳкамланиб ривожланаверади, Совет Иттифоқи билан Югославия халқларининг гитлерчилар фашизмига қарши биргаликда олиб борган курашида тобланган қардошлиги ҳар иккала мамлакат меҳнаткашлари учун янги самарали натижалар бериб, планетада тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Петар Караянов Ўзбекистон диёрида кўрсатилган меҳмондўстлик учун делегация аъзолари номидан самимий миннатдорчилик билдирди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига Македония Коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг раиси Милан Панчевский номидан Ўзбекистон меҳнаткашларига КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда янги муваффақиятлар тилаб йўллаган табрикномасини топширди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Петар КАРАЯНОВ:

## «ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ»

*Газетанинг шу сонига интервью*



**Македония пойтахти — Скопле шаҳри делегацияси мана бир неча кундан буён Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, музей ва корхоналарни бориб кўрдилар. Ҳамма ерда уларни, биродарлашган шаҳар вакилларини азиз меҳмонлардек кутиб олмоқдалар. Бугун Македония Коммунистлар Союзи Скопле шаҳар комитетининг Раиси Петар КАРАЯНОВ мухбирларимизнинг саволларига жавоб беради:**

**— Ўртоқ Петар Караянов, делегациянгиз сафаридан кўзланган мақсад ҳақида гапириб берсангиз.**

—Касбим журналист бўлгани учун матбуот вакиллари билан суҳбатлашиш мен учун жуда мароқлидир. Шу боисдан барча саволларингизга бажонидил жавоб қайтараман.

Скопле ва Тошкент ўртасидаги дўстлик алоқаларининг боғланганига келгуси йили 20 йил тўлади. Бизнинг ҳамкорлигимиз шаҳрингиз учун оғир кунларда бошланди. Скопле аҳолиси ҳам шундай оғир кунларни бошидан кечирган. 1963 йилнинг 26 июлида Скопледа, 1966 йилнинг 26 апрелида Тошкентда табиий офат— зилзила юз берди. Халқларимиз бир хил мусибатни бошларидан кечирди. Ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик бизга офат оқибатларини енгишда мададкор бўлди. Чунки саноқли дақиқаларда Скопледаги турли биноларнинг 80 проценти вайрон бўлган эди. Биз Тошкентни ҳам бепоён мамлакатингиз биргаликда қурганлигини биламиз.

Бизнинг делегация шаҳар партия комитетлари ва шаҳар Советлари даражасидаги бешинчи делегациядир. Шаҳарларимиз ўртасида самимий, дўстона алоқалар вужудга келган. Биз эндиликда чинакам дўстлардек бирбиримизни жуда яхши биламиз. Шу нарсани қўшимча қилиб айтмоқчиманки, ижодий алоқаларимиз кўламини корхоналар ўртасида делегациялар айрибошлаш эвазига кенгайтиришимиз мумкин ва зарур. Чунки Скопледа ҳам, Тошкентда ҳам бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган турдош заводлар оз эмас. Бундан ташқари ёшлар ташкилотлари, мактаблар, олий ўқув юртлари, бошқа ўқув муассасалари йўли билан ҳам алоқаларимиз кенгайиб бориши лозим.

Маданий ҳамкорлигимиз муқим мустаҳкамланиб бораётганлиги қувончлидир. Республикамизда ўтказилган маданият кунлари, телевидение ва радио программаларини айрибошлаш, ижодий коллективларнинг сафари ва уларнинг муваффақиятли концертлари шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда, иқтисодий ва маданий соҳалардаги самарали алоқалар бизга фақат наф келтиради.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида бўлган қабул маросимида биз корхоналаримиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан аниқ таклифларимизни баён этдик. Айнан саноат соҳасидаги ҳамкорлик унинг айрим соҳаларини ўрганишга, тажриба алмашишимизга ёрдам беришига аминман.

**— Югославияда халқ ҳокимиятининг ғалабаси ЮСФР халқлари тақдирида тубдан бурилиш ясади. Бу ўзгаришларни Македония ва унинг пойтахти Скопле мисолида ҳам кўриш мумкинми?**

— Ўтган йилнинг ноябрь ойида Скопле фашист босқинчилардан озод этилганлигининг 40 йиллигини нишонлади. Скопле шаҳри озод қирқ йил мобайнида македон халқи тақдири билан узвий боғлиқ бўлган ўз тарихига эга. Ана шу йиллар мобайнида Македония Социалистик Республикаси ва унинг пойтахти Скопле янги ҳаётни қуриш имконига эга бўлди. 1939 йилда Скопленинг аҳолиси 76 минг кишидан иборат бўлиб, унинг атиги 20 проценти ишлар, қолган кишилар учун эса иш топиш амримаҳол эди. Ҳозир Македония пойтахтида 540 минг киши истиқомат қилади. Ҳамма ишлаш ёки ўқиш имконига эга... Македония саноат маҳсулотининг учдан бир қисми Скопледа тайёрланади. Ваҳоланки, яқиняқинларгача, озодликка эришилгунга қадар македонликлар ўз она тилларида ўқий олмас эдилар. Энг муҳим ўзгаришлар одамлар ҳаётида юз берди: улар ўз тақдирининг тўла ҳуқуқли эгалари бўлишди. Ҳур ҳаётнинг қирқ йили мобайнида эришилган барча улкан ютуқлар айнан уларнинг иштирокида қўлга киритилди.

**— Бугунги кунда Югославия, шу жумладан Скопле коммунистлари олдида қандай вазифалар турибди?**

— Югославия коммунистлари олдида 1986 йилнинг биринчи ярми охирида ўтказиладиган Коммунистлар Союзининг XIII съездига тайёргарлик бўйича катта вазифалар турибди. Македония Социалистик Республикасида Коммунистлар Союзининг IX съезди бўлиб ўтади... Коммунистларнинг вазифаси социалистик қурилишни амалга оширишда Коммунистлар Союзининг ролини янада мустаҳкамлашдан иборат. Скопленинг 62 мингдан зиёд коммунистлари ҳам бу борада ғайрат-шижоат кўрсатадилар. Бундан ташқари олдимизда экономикани стабиллаштириш, барча ресурслардан оқилона фойдаланилган ҳолда янада яхшироқ ишлаш, иложи борича кўпроқ товарлар, шу жумладан экспорт маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш вазифалари ҳам турибди.

**— Тошкентдан олган таассуротларингиз қандай?**

— Мен Ўзбекистон, унинг пойтахти Тошкент ҳақида, унинг меҳмоннавозлиги ҳақида кўп ўқиганман ва эшитганман. Аммо бир неча кун мобайнида кўрганкечирганларимиз кутганимиздан ҳам аъло бўлди. Зилзилани бошидан кечирган, икки минг йиллик тарихга эга бўлган кўҳна шаҳрингиз мафтункор, ривожланган саноатга эга бўлган шаҳарлигича қолган, кишилар ҳам ажойиб. Фурсатдан фойдаланиб. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газетхонларига, шаҳрингизнинг барча аҳолисига самимий миннатдорчилик сўзларимни изҳор этмоқчиман. Биз бу ерда ўзимизни уйимиздагидек ҳис этяпмиз.

Суҳбат сўнгида Петар Караянов унга айниқса хуш келган қуйидаги табрик сўзларини тошкентликларга ўзбек тилида етказишни сўраб:

**«Ассалому алайкум! Азиз тошкентликларни чин қалбдан қутлаймиз!»,—деди.**

### Тошкент билан танишув

**Бугун Скопле шаҳар делегацияси Тошкентдаги 110-мактабда бўлиб, бу ердаги ўқув жараёнлари билан танишди. Шундан кейин меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонлари ва республикамиз, шу жумладан, Тошкентда тайёрлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирдилар.**

**Меҳмонлар куни кеча ишга туширилган Тошкент радиотелевизион минорасини қизиқиш билан томоша қилдилар.**

**Скопледаги Кирилл ва Мефодия номли университет билан ўн йилдан буён дўстлик алоқасини давом эттириб келаётган В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети коллективи Скопле делегациясини самимий ва дўстона кутиб олди. Бу ерда бўлиб ўтган дўстлик митингида скоплелик дўстлар, олимлар ва студентлар дўстлик алоқалари ҳақида гапирдилар.**

**Меҳмонлар шунингдек, Ўзбекистон Давлат санъат музейида ҳам бўлишди.**

